



## Features of prevention of crimes that violate women's rights and freedoms

Zulkhumor IBROKHIMOVA<sup>1</sup>

Judge of Tashkent City Court

### ARTICLE INFO

#### **Article history:**

Received June 2025

Received in revised form

15 July 2025

Accepted 15 July 2025

Available online

25 August 2025

#### **Keywords:**

crime,  
criminal,  
offender,  
domestic violence,  
prevention,  
preventive measures,  
restraining order,  
specialized institution,  
gender equality.

### ABSTRACT

The article examines the system covering crime prevention, namely crimes related to family (domestic) violence, i.e. objects of prevention, subjects of prevention and measures to prevent crime. It also examines the need to take legal measures, social measures and organizational measures to prevent victims of family (domestic) violence, as well as the experience of foreign countries in this regard in their legislation. In conclusion, it is proposed to establish criminal liability for repeated violation of the failure to comply with the requirements of a protective order by a person who has committed harassment and (or) violence or is prone to committing them, as another important area of prevention of family (domestic) violence.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss4-pp149-155>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилувчи жиноятлар профилактикаси

### АННОТАЦИЯ

#### **Калит сўзлар:**

жиноятчилик,  
жиноятчи,  
ҳуқуқбузар,  
оилавий (маиший)  
зўравонлик,  
олдини олиш,  
олдини олиш чоралари,  
ҳимоя ордери,  
ихтисослашган махсус  
муассаса,  
гендер тенглик.

Мақолада жиноятчиликни, яъни оиладаги зўравонлик жиноятини олдини олишда қамраб оладиган тизим яъни, профилактика объектлари, профилактика предметлари ва жиноятчиликнинг олдини олиш чораларига тўхталиб ўтилган. Шунингдек, оиладаги зўравонликдан жабрланишнинг олдини олиш учун ҳуқуқий чоралар, ижтимоий чоралар ва ташкилий чоралар кўрилиши лозимлиги ҳамда бу борадаги хорижий давлатларнинг қонунчилигида амалга оширилаётган тажрибаси ўрганилган. Хулоса ўрнида оилавий (маиший) зўравонликнинг олдини олишда яна бир муҳим йўналиш

<sup>1</sup> Doctor of Philosophy (PhD) in Law, Senior Assistant Judge of Tashkent City Court. E-mail: [zulxumor2021@mail.ru](mailto:zulxumor2021@mail.ru)

сифатида маъмурий жавобгарлик сифатида белгиланган таъйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик ҳуқуқбузарлигини йил давомида такроран содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш таклиф этилган.

## Профилактика преступлений, нарушающих права и свободы женщин

### АННОТАЦИЯ

#### Ключевые слова:

преступление,  
преступник,  
правонарушитель,  
семейное (бытовое)  
насилие,  
профилактика,  
профилактические меры,  
охранный ордер,  
специализированное  
учреждение,  
гендерное равенство.

В статье рассматривается система, охватывающая профилактику преступности, а именно преступления, связанные с семейное (бытовое) насилие, то есть объекты профилактики, субъекты профилактики и меры по предупреждению преступности. Также рассматривается необходимость принятия правовых мер, мер социального характера и мер организационного характера по предупреждению жертв семейное (бытовое) насилия, а также опыт зарубежных стран в этом отношении в их законодательстве. В заключение предлагается установить уголовную ответственность за повторное нарушение невыполнение требований охранного ордера лицом, совершившим притеснение и (или) насилие либо склонным к их совершению, как еще одно важное направление профилактики семейного (бытового) насилия.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ўз ичига қуйидагиларни қамраб оладиган тизимдир: 1) профилактика объектлари; 2) профилактика предметлари; 3) жиноятчиликнинг олдини олиш чоралари. Оиладаги зўравонлик жиноятларнинг олдини олиш объекти уни келтириб чиқарадиган омиллар эканлигини ҳисобга олсак, фикримизча, уларни детерминантларни таснифлаш асосида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Буларга қуйидаги омиллар киради: ижтимоий-иқтисодий, маданий, ахлоқий, сиёсий, ташкилий, бошқарув ва ҳуқуқий омиллар.

Хорижий мамлакатларда зўравонликнинг турли шакллари мақсадли пасайтиришга қаратилган моделларни татбиқ этувчи дастурлар тобора оммалашиб бормоқда [1]. Аёлларнинг нотенглиги аёлларни қарам қилади, уларни зўравонликнинг турли кўринишларига қарши курашиш имкониятидан маҳрум қилади. Шу боис ҳам аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилувчи жиноятларнинг олдини олиш бўйича ишларда аёлларнинг нотенглигига қарши курашишнинг барча усулларидан кенг фойдаланиш лозим [2].

Оиладаги зўравонликдан жабрланишнинг олдини олиш учун қуйидаги чоралар амалга оширилиши керак:

**Ҳуқуқий чоралар** – оиладаги зўравонлик жабрланувчиларига нисбатан зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятчиликка қарши курашишнинг махсус техникаси ва усулларини ўз ичига олган “Оилада зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича махсус дастур” ишлаб

чиқилиши зарур. Ушбу дастур жабрланувчиларга нисбатан жиноятларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси соҳасидаги концептуал хужжатга айланиши, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг ижтимоий оқибатларини минималлаштиришга қаратилган ҳаракатлар дастурларини, шунингдек зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларидан жабрланган шахсларга тиббий, психологик, ихтисослаштирилган руҳий, психотерапевтик ва бошқа турдаги ёрдамни таъминлаш мақсадида ушбу дастурларни амалга ошириш механизмларини ўз ичига олиши керак.

**Ижтимоий чоралар.** Жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш, хусусан, оилада зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш, жиноятчи шахсини, жиноятларнинг содир этилишининг сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганиш билан бир қаторда, жабрланувчининг шахсини ва мазкур шахс шу аҳволга тушишига сабаб барча шароитларни батафсил ўрганилиши лозим. Оилавий муносабатлар, моддий фаровонликни яхшилаш орқали, ижтимоий чораларнинг аёллар ўртасида зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган бошқа чоралар орасида муҳимлигини ҳисобга олиб, бу фаолиятда жамоатчилик иштирокини янада ошириш муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Хорижий давлатлар тажрибасига таяниб, республикада турли жиноятлар, хусусан, оилада зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлардан жабрланганларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришга ихтисослашган махсус муассасаларни ташкил этиш масалаларини муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу муассасаларнинг фаолияти нафақат жабрланувчиларнинг ижтимоий мослашувига, балки маслаҳат, маънавий ва маърифий ишларга ҳам йўналтирилади.

**Ташкилий чоралар.** Оилада зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни тергов қилиш ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларидан юқори профессионализм ва тезкор қарор қабул қилинишини талаб қилади. Аёлларга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар яширин хусусиятга эгаллиги боис суриштирувчи ва терговчилар кўпинча жабрланувчилар билан суҳбатлашганда психологик тўсиқни енгиб ўтиш муаммоларига дуч келишади. Тезкор-қидирув идоралари ходимларини юқори сифатли касбий тайёргарлигини таъминлаш мақсадида ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув дастурига махсус фан киритилиши, унда аёлларга нисбатан зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни очиш ва тергов қилиш учун махсус билимларни ўргатиш, психологик тайёргарлик бўйича махсус кўникмаларни шакллантириш назарда тутилиши лозим [3].

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ–371-сонли Қонунида [4] ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбири сифатида профилактик ҳисобга олиш назарда тутилган бўлиб, ушбу чора муайян шахсларга нисбатан уларнинг тузалиши ва такроран ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади (34-модда).

Оилавий (маиший) зўравонликнинг барвақт профилактикасини таъминлаш мақсадида “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни 35-моддасига ўзгартириш киритиб, унга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 592-моддасида (“Оилавий (маиший) зўравонлик”) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларни ҳам **профилактик ҳисобга олишни белгилаш** мақсадга мувофиқ.

Кўплаб давлатларда оилавий (маиший) зўравонлик муаммоларини тадқиқ этиш ва унинг сабабларини тушунишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказилади. Масалан, Мексикада Гендер зўравонлик мақомини миллий баҳолаш бўйича маъруза тайёрланиб, у ҳукуматнинг гендер сиёсатини ишлаб чиқишда ушбу ҳодисанинг кўлами, шакллари ва ҳолатларини аниқлаш мақсадида фойдаланилади. Францияда, Арманистонда ҳам миллий даражада оилавий зўравонликни ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, улар тегишли тарғибот ва бошқа чораларни ишлаб чиқишда инобатга олинади [5].

Р.Я. Мамбетов “эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилига кафолатларини яратиш, аёлларни камситишга барҳам бериш учун муносиб норматив-ҳуқуқий база зарур”. Шу мақсадда муаллиф “норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мажбурий гендер ва криминологик экспертизасидан ўтказиш тартибини жорий этишни, бунда ушбу экспертиза натижалари бўйича хулосалар мажбурий бўлишини белгилаб қўйишни” [6] таклиф қилади.

Бу эса, аёллар ҳуқуқларига риоя этиш соҳасидаги вазият устидан доимий мониторинг қилиш ва хавфсизлик стандартлари назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий риоя этишни талаб қилади.

Аёлларга қарши жиноятларни самарали профилактика қилишнинг муҳим шarti бўлиб, ушбу соҳадаги ишлар ҳолати ҳақида ишончли маълумотга эга бўлиш ҳисобланади. Шу муносабат билан статистик ҳисобдорлик тизимини такомиллаштириш барча манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларини мамлакатдаги аёллар ҳолати тўғрисида ҳолисона ахборот билан таъминлаш имконини беради, бу эса, профилактик чора-тадбирларни ўз вақтида ва аниқ тарзда ишлаб чиқиш, шунингдек, бир жинснинг бошқаси устидан устуворлигига асосланган анъанавий қадриятларни ўзгартириш бўйича таълим, маърифий ва тарбиявий ишларни ахборот жиҳатидан қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Мафкуравий жиҳатдан ишлаб чиқиладиган комплекс профилактик чоралар одамларда умуминсоний қадриятларга асосланган ахлоқий-маънавий қарашларни шакллантириш йўлидаги криминоген омилларни чеклашга қаратилган. Оилавий зўравонликнинг олдини олишнинг махсус криминологик чораларини амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг соғлиқни сақлаш ва таълим органлари, ижтимоий ҳимоя органлари ва ОАВ билан ҳамкорлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

У.С. Уктамова ҳам “талаба қизлар орасида маънавий-ахлоқий дунёқарашни янада соғломлаштириш ҳамда уларнинг никоҳ-оила муносабатлари ҳақидаги билимларини бойитиш мақсадида турли тадбирлар, семинарлар олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади” [7], деб таъкидлайди.

Профилактика шубҳасиз жамият ҳаётида одиллик ва ҳалоллик, юқори ахлоқий ҳуқ-атвор ва инсон ҳуқуқларига риоя этиш, оммавий маданиятнинг ғаразли кўринишларига, зўравонлик ва шафқатсизлик тарғиботига самарали қарши туриш, анъанавий гендер стереотипларини енгиш, умумий ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирларни тақозо этадики, улар биргаликда яхлит ҳолда инсонлар ҳаётининг маънавий соҳасига ижобий таъсир кўрсатади.

Жамиятда маънавий муҳитни соғломлаштириш, жамият онгида гендер стереотипларни енгиб ўтиш ва аёлларнинг муносиб тимсолини шакллантиришга давлат ва жамиятнинг фоҳишабозлик, порнография, зўравонлик ва шафқатсизлик

тарғиботиға каби ғайриижтимоий ҳолатларға қарши узлуксиз кураши ҳам кўмаклашади [8].

А.В. Штефан эса, “оиладаги зўравонликка қарши курашиш масаласи бўйича мувофиқлаштирувчи орган ташкил этиш ва унинг зиммасига: 1) вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; 2) вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик ҳаракатларини содир этишнинг олдини олиш; 3) оила аъзолари томонидан спиртли ичимликлар истеъмол қилишни суистеъмол қилиш, гиёҳвандлик ва психотроп моддалар истеъмол қилишнинг олдини олиш; 4) вояга етмаганлар ғайриижтимоий фаолиятга жалб этилишининг олдини олиш; 5) болаларга нисбатан шафқатсиз муомалага, тажовузкорлик ҳолатларига йўл қўймаслик каби йўналишлардаги вазифаларни юклашни” [9] таклиф этади.

Муаллифнинг ёзишича, “умумийижтимоий профилактик чора-тадбирлар қўйидаги йўналишларда амалга оширилиши лозим: мамлакатда иқтисодий жараёнларни барқарорлаштириш, оила институтини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали давлат сиёсатини амалга ошириш, молия тизими ва миллий валютани мустаҳкамлаш, инфляцияни камайтириш, миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишсизлик даражасини камайтириш, аҳолининг моддий таъминотини ошириш, фуқароликнинг маиший ва уй-жой шароитларини яхшилаш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш, муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга қаратилган бошқа чоралар, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя даражасини ошириш, оилада вояга етмаганларни муҳофаза қилиш бўйича махсус, узоқ муддатли ижтимоий дастурларни амалга ошириш, оилавий зўравонлик ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш бўйича фаолиятга фуқароларни фаол жалб этиш, оилавий зўравонликни аниқлаш ва олдини олишга йўналтирилган материалларни жойлаштиришда ОАВ имкониятларидан фойдаланиш, ичкиликбозлик, алкоголизм, гиёҳвандлик ва токсикомания каби салбий ҳолатларнинг самарали олдини олиш, ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими имкониятларига аҳоли ишонсизлигининг олдини олиш” [10].

А.Н. Фатеев оилавий зўравонликка қарши курашишнинг асосий йўналишларини кўрсатади: “оилавий зўравонликка қарши курашиш бўйича халқаро мажбуриятларни бажариш; аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш бўйича, шу жумладан, оилавий зўравонлик натижасида оғир аҳволга тушиб қолган аёллар ва болалар учун вақтинчалик қўнимгоҳларни ташкил этиш ва сақлашни молиялаштиришни, шунингдек, оилавий зўравонлик жабрланувчиларига тез тиббий ва руҳий ёрдам кўрсатишни молиявий таъминлашни назарда тутувчи маҳаллий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; ҳудудлар даражасида оилавий зўравонлик жабрланувчиларига тез ёрдам кўрсатишнинг махсус дастурларини ишлаб чиқиш”. Муаллифнинг ёзишича, “бундай дастурлар қўйидаги масалаларни ҳал этишга қаратилган: жабрланувчиларга 24 соат давомида хизмат кўрсатувчи махсус марказларни ташкил этиш; оилавий зўравонлик қурбонларини дарҳол махсус муассасаларга жойлаштириш учун жўнатиш, психолог ёки психотерапевт маслаҳати; зўравонлик қурбонларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этиш, уларга нисбатан махфийликни таъминлаш; эркак ва аёлларнинг ижтимоий ва маданий хулқ-атворини ўзгартириш, жинслардан бирини устуворлиги ёки камситилиши ғоясига

асосланган урф-одатларга барҳам бериш мақсадида умумий мактаб таълими доирасида махсус ўқув дастурларини (курсларини) қабул қилиш; аёлларга нисбатан зўравонлик, зўрлик билан бирга кечадиган оилавий низоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий ва психологик усуллари ҳақида хабардорлик даражасини оширишга қаратилган, биринчи навбатда оммавий ахборот воситаларида, маърифий ва ўқув-тарғибот ишларини ташкил этиш, қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш; ҳудуддаги оилавий зўравонлик қурбонларига ёрдам кўрсатиш марказлари ҳақидаги ахборотни тарқатиш; оиладаги зўравонликка тааллуқли статистик ахборот ва маълумотни тўплаш ва махсус илмий тадқиқотларни ўтказиш; аёлларга нисбатан зўравонлик сабаблари, хусусиятлари, жиддийлик даражаси ва оқибатларини ҳамда оилавий зўравонликнинг олдини олиш мақсадида қабул қилинаётган чоралар самарадорлигини ўрганиш; бу турдаги илмий ва амалий тадқиқотлар натижалари тўғрисидаги ахборотни кенг тарқатиш; аёлларга нисбатан зўравонликка оид барча стратегия ва дастурларнинг асосий йўналишларида гендер масалалари тўлиқ акс эттирилишига эришиш; аёлларга нисбатан зўравонлик сабаблари, оқибатлари ва механизмларини тушуниш бўйича билимлар даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ва дастурларни фаол рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш (масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, суд органлари ходимлари, тиббий ва ижтимоий хизматлар вакиллари, миграция ва қочоқлар муаммолари билан шуғулланувчи мансабдор шахслар)” [11].

Оилавий (маиший) зўравонликнинг олдини олишда яна бир муҳим йўналиш сифатида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 206<sup>1</sup>-моддасида маъмурий жавобгарлик белгиланган тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик ҳуқуқбузарлигини йил давомида такроран содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқ.

Шу мақсадда ЖКни қуйидаги мазмундаги янги модда билан тўлдириш таклиф этилади:

**“141<sup>4</sup>-модда. Тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик**

Тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик, –

уч юз олтиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

Умуман олганда, умумий профилактика чоралари доирасида оилалар ичидаги муҳитни яхшилаш ва соғломлаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, оилавий зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги тарғибот ташвиқот ишларини амалга ошириш, самарали ахборот-тарғибот тадбирларини ташкил этиш, болалар билан ишлайдиган барча мутахассислар учун мунтазам равишда ўқув ва ахборот-тарғибот тадбирларини ташкил этиш зарур.

**ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:**

1. Morgan A., Boxall H., Dowling C., Brown R. (2020). Policing repeat domestic violence: Would focused deterrence work in Australia. In Australian Institute of Criminology, 593 // [www.aic.gov.au/publications/tandi/tandi593](http://www.aic.gov.au/publications/tandi/tandi593)
2. Ахмедов И.Б. Хотин-қизларга нисбатан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ЎЗР ИИБ Малака ошириш институти, 2023. – 110 б.
3. Ахмедов С. Оиладаги зўравонликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: магистрлик иши. – Тошкент: Бош прокуратура Академияси, 2022. – Б.97-98.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда.
5. Принося безопасность домой: борьба с насилием в отношении женщин в регионе ОБСЕ. Сборник примеров хорошего опыта / Под редакцией Джамили Сефтауи. – Вена, 2009. – С.28.
6. Мамбетов Р.Я. Некоторые аспекты криминологической характеристики домашнего (семейного) насилия против женщин // «Черные дыры» в Российском законодательстве. – 2007. – №3.
7. Уктамова У.С. Оилавий зўравонликнинг келиб чиқиш сабаблари // Журнал Педагогика и психологии в современном образовании. – 2020. – №1. – Б.22.
8. Мамбетов Р.Я. Криминологические и уголовно-правовые проблемы защиты прав и интересов женщин в России: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2009. – С.18-19.
9. Штефан А.В. Насилие в отношении несовершеннолетних в семье: уголовно-правовой и криминологический аспекты (по материалам Уральского федерального округа): Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Челябинск, 2011. – С. 11-12.
10. Штефан А.В. Насилие в отношении несовершеннолетних в семье: уголовно-правовой и криминологический аспекты (по материалам Уральского федерального округа): Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Челябинск, 2011. – С. 24-25.
11. Фатеев А.Н. Домашнее насилие: опыт криминологического исследования: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2006. – С.9.